

НУРОНИЙЛАР БОШЛАБ БЕРИШДИ

Соат 07:55. 306-сайлов участкасида мустақил Ўзбекистон Республикаси Давлат мадхияси жаранг сочди. Қалбларни тўлқинлантирувчи бу қўшиқ бугун бутун юртдошларимизни муҳим сиёсий жараёнга – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайловида фаол иштирок этишга даъват қилди.

Бағдод туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабида ташкилланган сайлов участкаси нуроний отахон-онахонлар билан файзли кўриниш олди. Уларнинг ижобатли дуоларидан сўнг овоз бериш жараёни бошланди.



Сайлов участкасида сайловчилар, кузатувчилар, сиёсий партиялар ҳамда номзодларнинг ишончли вакиллари учун тенг шарт-шароитлар яратилган. Овоз бериш Сайлов кодексида кўрсатилган меъёрлар асосида ўтказилмоқда.

- Биринчилардан бўлиб, сайлов участкасига келдим, - дейди 70 ёшли Элеонора ая Палвонова. - Албатта, фарзандларим, келинларим-у набираларимни ҳам олдимга солиб келдим. Ҳақиқатан ҳам, бу сафарги сайловга жуда юқори савияда тайёргарлик кўрилибди. Халқимиз сайилга чиққандай, кўтаринки кайфиятда. Бирор бир ножӯя хатти-ҳаракатнинг гувоҳи бўлмадим. Ҳар бир сайловчи фақат ўзи шахсан овоз беряпти. Маҳаллий кенгашларга, Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодларнинг ҳар бири лойиқ, аслида. Уларнинг орасида ўзим энг муносиб деб билганларга овоз бердим.



Янгиобод ахоли пунктleri сайловчилари ҳам 306-сайлов участкасига келиб, сайловда иштирок этиши белгиланган. Бироқ, мазкур худуд сайлов участкасидан 4 километрлик масофада жойлашган. Бағдод тумани ҳокимлиги буни инобатга олиб, алоҳида транспорт воситаларини ажратган. Маҳалла фаолларидан бири, Исроилжон Ориповнинг айтишича, маҳсус автобус икки манзил орасида бетўхтов ҳаракатланиб, сайловчилар узоғини яқин қилмоқда.

Маълумот учун, 306-сайлов участкасида 2 минг 400 нафар сайловчи рўйхатга олинган.

Бағдод тумани ҳокимлиги

Ахборот хизмати.

2019-12-22 13:48:48